

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiy-teoriyalıq konferenciya

ШАҲАРЛАРДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Узакбаев К.К.,

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институты асистент ўқуитувчиси

Турғанбаев Д.Н.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институты талабаси

Шаҳарлар истисно сифатида тавсифланган сўз ва иборалар кам эмас. Масалан: «Шаҳарлар – инсон фаолиятининг ажралмас қисмидир», «Шаҳарлар бутун ривожланиш тарихида инсоният цивилизацияси томонидан яратилган нарсаларнинг энг яхшисидир», «Шаҳарлар – инсониятнинг маънавий устахоналари», «Шаҳар – маданиятнинг энг кучли ва мукаммал тимсолларидан бири», «Шаҳарлар тараққиёт двигателидир» [21].

Рус иқтисодий географи А.И.Алексеев таъкидлаганидек “шаҳар одамларнинг катта концентрацияси, кўп қаватли бинолар, юкори тирбандлик” [16]. Дехқончилик ва чорвачиликка керак маҳсулотларни ясадиган ҳунармандлар қатлами пайдо бўлгач, ҳунармандлар мавзелари пайдо бўлиши оқибатида қишлоқлар йириклишиб дастлабки шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Кейинчалик шаҳарларда саноат корхоналари, ижтимоий инфраструктура обьектлари пайдо бўлди.

Ижтимоий инфратузилма шаҳар аҳолисининг турли хил хизмат турлари – таълим, даволаш, дам олиш, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини сотиб олиш, поябзал ва кийим-кечак тикиш, майший техника, квартиralарни таъмиrlаш ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Аҳолига кўрсатиладиган хизматлар турлари жуда кенг, шунинг учун бу соҳада кўплаб тармоқлар мавжуд. Хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарининг шаҳар ҳудуди бўйича тақсимланиши шаҳар аҳолиси томонидан ташриф буюриш тезлигига (частота) ва хизматларнинг хусусиятига боғлиқ. Кундалик хизмат кўрсатиш обьектлари туар-жой маҳаллаларига иложи борича яқинроқ бўлса, даврий талаб қилинадиган хизматларни кўрсатадиган муассасалар ва корхоналар тез-тез ташриф буюриладиган жойлар яқинида жойлашган. Маданий инфратузилма обьектлари – театрлар, концерт ва кўргазма заллари, музейлар, шунингдек, энг йирик савдо мажмуалари, марказий бозорлар

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiý-teoriyalıq konferenciya

шаҳарнинг марказий қисмида жойлашади.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига кўра ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғини ташкил этилишини ижтимоий хизмат кўрсатишнинг қарор топган тизимларига мувофиқ тарзда, яшаш жойида ижтимоий хизмат кўрсатиш билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиб лойиҳалаштириш зарур.

Ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши қуидагиларни таъминлаши керак:

- хизматларни олиш учун маблағ, куч ва вақтни энг кам сарфлаган ҳолда хизмат кўрсатишнинг оммавий ва якка тартибдаги турларининг тўлиқ комплексини;

- шаҳарсозлик ривожланишининг ҳар бир босқичида хизмат кўрсатиш даражасини изчил тарзда секин-аста оширилиб боришини;

- жамоат ва хусусий хизмат кўрсатишнинг янги усуллари, шакллари ва турларини жорий этиш ва уларни янада такомиллаштириш.

Шаҳарларда аҳолига таълим, тиббий, савдо, мадаъний-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини географик жойлаштириш муҳим бўлиб, Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида [22] ациқ кўрсатиб берилган (1-жадвал).

Қуидагии жадвалдан маълумки шаҳарларда болалар мактабгача муассасаларига борадиган болаларнинг уйлари, боғчадан ўртacha 300 метр узоқликда жойлашиши зарур. Шаҳарнинг чекка 1-2 қаватли тураг-жой бинолари жойлашган туманларида эса бу оралиқ 500 метргача боради.

1 –жадвал

ШАҲАРЛАРДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУАССАСАЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РАДИУСИ

Муассасалар ва корхоналар	Хизмат кўрсатиш радиуси, м
	шахар
Умумий турдаги болалар мактабгача муассасалари	300
Худди шундай, кам зичликда 1-2-каватли тураг-жой биноларида	500
Умумтаълим ўқув юртлари: I босқич – бошланғич синflар	300-500
II босқич – V-IX синflар	500-750
Хордик ва жисмоний-соғломлаштиришфаолияти учун мўлжалланган бинолар	200-500

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiy-teoriyalıq konferenciya

Маҳалла марказлари (жамоат идоралари, яшаш жойи ёнидаги ҳордиқ жойлари)	150-300
Савдо, умумий овқатланиш ва майшийхизмат корхоналари: Маҳаллий аҳамиятга эга марказлар кундалик қатнов	300-500
Даврий қатнов (жумладан ноозик-овқат дўконлари, бозорлар)	1000-1500
Дорихоналар, сут ошхонаси тарқатиш пунктлари, алоқа бўлимлари, банкфилиаллари	500
Шу каби, кам зичлиқда 1-2-каватлиқурималарда	600-800
Поликлиникалар ва филиаллари (қишлоқжойларда: амбулаториялар, фельдшер-акушер пунктлари)	800-1500
Туман аҳамиятидаги жисмоний-спорт марказлари	1000-1500

Бошланғич синф ўқувчиларининг мактабга қатнаш оралиғи 300 дан 500 метргача, юқори синф ўқувчилариники эса 500-750 метр бўлиши қўзда тутилган. Ҳордиқ ва жисмоний-соғломлаштириш фаолияти учун мўлжалланган бинолар 200-500 метр, маҳалла марказлари (жамоат идоралари, яшаш жойи ёнидаги ҳордиқ жойлари) 150-300 метр, савдо, умумий овқатланиш ва майший хизмат корхоналари: маҳаллий аҳамиятга эга марказлар кундалик қатнов 300-500 метр, даврий қатнов (жумладан ноозик-овқат дўконлари, бозорлар) 1000-1500 метр, дорихоналар, сут ошхонаси тарқатиш пунктлари, алоқа бўлимлари, банк филиаллари 500 метр, поликлиникалар ва филиаллари (қишлоқжойларда: амбулаториялар, фельдшер-акушер пунктлари) 800-1500 метр, туман аҳамиятидаги жисмоний-спорт марказлари 1000-1500 метр радиусда бўлиши Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида назарда тутилган.

Кўрсатилган хизмат кўрсатиш радиуслари болаларнинг маҳсус ва соғломлаштириш муассасалари, болалар ясли-боғчалари ва ихтисослаштирилгантаълим мактаблари (тиллар, математика ва бошқалар), гимназиялар, лицейлар ва ҳоказоларга тегишли эмас.

Шаҳарларда хизмат қурсатиш муассасалари ва корханаларини жойлаштириш шаҳар аҳолисининг фаровон турмушини кафолатлаши билан бирга, шаҳарнинг кўркига кўрик қўшади. Ишчилар ва уларнинг оила аъзоларининг кулай дам олиши, тиббий, таълим хизматлариiga бўлган эҳтиёжларини ўзи учун кулай жойдан олишига ёрдам беради.

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiy-teoriyalıq konferenciya

Адабиётлар:

1. Kurbanov Bekmetovich, Shukhrat and Orinbayevich, Medetbay Oteuliev. "Territorial Differences in Living Standards in Uzbekistan" *Quaestiones Geographicae*, vol.40, no.4, 2021, pp.63-70. <https://doi.org/10.2478/quageo-2021-0038>
2. Iskenderov, A. B., Uzaqbaev, Q. K., Sharibaev, A. M., & Djanabaev, I. B. (2019). Turizm hám rekreaciyalıq geografiya" páninen oqıw-metodikalıq qollanba. *Nókis-2019*, 128.
3. Turdimambetov, I., Joldasov, A., Iskenderov, A., & Uzaqbaev, Q. (2022). Qaraqalpaqstanın ekonomikaliq ham sociallıq geografiyası.
4. Turdimambetov I. R., Uzaqbaev Q. K., Oteuliev M. O. TERRITORIAL FORMATION OF THE EDUCATION SYSTEM IN IMPROVING THE QUALITY OF LIFE OF THE POPULATION OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN //Экономика и социум. – 2020. – №. 12 (79). – С. 276-279.
5. Turdimambetov I. R., Uzaqbaev Q. K., Niyazimbetova G. CURRENT STATUS OF MEDICAL SERVICES IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN //Science and education in Karakalpakstan.–2020. – 2020. – Т. 2. – С. 104-108.
6. KEUNIMJAY-ULI, UZAKBAEV KOBLAN. "Aholiga xizmat ko'rsatish sohalarini tadtqiq etishning ilmiy-uslubiy asoslari." *Fan va jamiyat* (2022).
7. KEUNIMJAY-ULI, UZAKBAEV KOBLAN. "Xaliqua xizmet ko'rsetiw tarawlari ekonomikasının'geografiya ilimindegi orni." *Fan va jamiyat* (2019).
8. KEUNIMJAY-ULI, UZAKBAEV KOBLAN. "Geografiya boyinsha mag'liwmatnama." *NMPI baspaxanası* (2017).
9. KEUNIMJAY-ULI, UZAKBAEV KOBLAN. "Qaraqalpaqstan Respublikasının ekonomikaliq rayonlastiriwdin'geografiyalıq tiykarları." *Fan va jamiyat* (2023).
10. Turdimambetov I.R., Oteuliev M.O., Urazbaeva S. Territorial classification of socio-economic indicators of the quality of life of the population in the region. Экономика и социум №10(113)-1 2023. 264-271 p.
11. Turdimambetov I. R., Uzaqbaev Q. K., Oteuliev M. O. TERRITORIAL FORMATION OF THE EDUCATION SYSTEM IN IMPROVING THE QUALITY OF LIFE OF THE POPULATION OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN //Экономика и социум. – 2020. – №. 12 (79). – С. 276-279.

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilmiy-teoriyalıq konferenciya

- 12.Turdimambetov I. R., Uzaqbaev Q. K., Niyazimbetova G. CURRENT STATUS OF MEDICAL SERVICES IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN //Science and education in Karakalpakstan.–2020. – 2020. – T. 2. – C. 104-108.
- 13.Uzakbaev K. K., Jaksimuratov A. B., Turǵanbaev D. N. ÚSH SEKTORLÍ EKONOMIKA TÚSINIGI HÁM ONÍN KEMSHILIKLERİ //Educational Research in Universal Sciences. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 655-658.
- 14.Xodjaeva G.A., Dauletbaeva D.D. QORAQALPOG ‘ISTON RESPUBLIKASI SHAHAR AHOLISINING O ‘SISH DINAMIKASI. "Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari" mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya Toshkent, 15-16 aprel, 2022. 364-368 b.
- 15.Алексеев А.И. География сельской местности. М., 1989, - 173 с.
- 16.Алексеев А.И. Многоликая деревня: (населения и территория). – М.: Мысль, 1990. – 266 с. 11 с.
- 17.Алексеев А. И., Ковалев С. А., Ткаченко А. А. География сферы обслуживания: основные понятия и методы. – 1991. 117 с. 46 с.
- 18.Бекбулатова Г.А., Абленова А.Б., О некоторых методах географических исследований сферы обслуживания населения, Промышленный транспорт Казахстана, 2017. №2-2 (55)135-140.
- 19.Бекбулатова Г.А., Нурбаева А., Основные факторы развития и размещения торгового обслуживания "Экономика и социум" ISSN 2225-1545. №12(103) 2022.
- 20.Бекбулатова Г.А., Авезова Н., Региональные аспекты организации развития и размещения сфер торгового обслуживания, "Экономика и социум" ISSN 2225-1545. №12(103) 2022.
- 21.Лаппо Г.М. География городов. Учеб. пособие для геогр. ф-тов вузов. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1997. – 480 с.; илл. – ISBN 5-691-00047-0.
- 22.ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш” / Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2009-177 б.
- 23.Узакбаев К. К. АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛЛАШТИРИШ //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – T. 2. – №. 14. – С. 233-240.
- 24.Узакбаев К. К. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ

"GEOGRAFIYA – KELESHEKKE KÓZ-QARAS"

atamasındağı Respublikalıq kólemdegi ilimiyy-teoriyalıq konferenciya

КҮРСАТИШ СОХАЛАРИНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ
//Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 17. – С. 845-857.

25. Утепова Г. Б., Узакбаев К. К. РОСТ НАСЕЛЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН И ЕГО ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ //Экономика и социум. – 2021. – №. 10 (89). – С. 1121-1130.